

Нур-Султон шаҳрида жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг қурултойи бўлиб ўтади



12:00 / 08.10.2021 1792

2022 йил 14-15 сентябр кунлари Нур-Султонда жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VII қурултойи бўлиб ўтади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради.

«Ушбу диний форум пандемиядан кейинги даврда инсониятнинг ижтимоий ва маънавий ривожланишидаги жаҳон ва анъанавий конфессиялар раҳбарларининг ролига бағишланиши режалаштирилган», дейилади матбуот хизмати учрашув якунлари бўйича тарқатилган баёнотда.

Аввалроқ, конгресс 2021 йил 15-16 июн кунлари Қозоғистон пойтахтида ўтказилиши режалаштирилган эди. Бироқ пандемия туфайли форум

қолдирилди. Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг қурултойи республиканинг биринчи президенти Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан 2003 йилдан бери Қозоғистонда ўтказилади.